

# МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ №10

2022 й. «24» 5

2022-291-13-191-ХТ-  
сон

Хўжайли тумани

Бизлар ким, бир томондан **«GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI» МЧЖ** рахбари **И.Исақбаев** кейинчалик “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)” деб номланади ва иккинчи томондан **Хўжайли тумани** **Халқ таълим бўлими** номидан рахбари **Б.Хафизов** келгусида “Буюртмачи” деб номланади, ўртада ушбу шартномани кўйидаги мазмунда туздилар:

## I. Шартнома предмети

- “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)” ўзида тайёрланган товарни “Буюртмачи”га хақини тўлагандан сўнг етказиб беради.
- “Буюртмачи” эса ўз навбатида товарни амалдаги қоидалар бўйича “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)” дан қабул қилиб олади ва ва уларнинг ҳақини тўлайди.

## II. Шартноманинг умумий қиймати ва хисоб-китоб қилиш ва етказиб бериш тартиби

2.1. “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)” умумий қиймати **Жами 577 906 000** (Беш юз етмиш етти миллион тўккиз юз олти минг) сўм, шундан ККС сўммаси 75 379 043 сўм 48т (Етмиш беш миллион уч юз етмиш тўккиз минг кирқ уч сўм 48 т.) бўлган қўйидаги микдордаги товарлар билан таъминлаб беришни ўз зиммасига олади (лот №84711):

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Доска 1700*900мм	Штук	26	1 790 000	46 540 000,0
2	Шкаф книжный 2100*900*400мм, ЛДСП	Штук	26	1 485 000	38 610 000,0
3	Шкаф одежный 2100*900*400мм, ЛДСП	Штук	26	1 505 000	39 130 000,0
4	Стол для учителя 780*1600*800мм, ЛДСП	Штук	26	1 635 000	42 510 000,0
5	Стул для учителя из метал+ЛДСП	Штук	94	449 000	42 206 000,0
6	Стол офисный 1800x800x800мм, ЛДСП	Штук	34	2 865 000	97 410 000,0
7	Шкаф офисный 2100x400x1600мм, ЛДСП	Штук	55	2 320 000	127 600 000,0
8	Кресло офисное, мягкое с регулировкой	Штук	37	2 990 000	110 630 000,0
9	Стол компьютерный 780x1200x600мм, ЛДСП	Штук	19	1 110 000	21 090 000,0
10	Стол компьютерный угловой 780x1350x1800мм, ЛДСП	Штук	7	1 740 000	12 180 000,0
	<b>Жами</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>577 906 000</b>

2.2. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси орқали амалга оширилади.

2.3. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова қилинади.

### III. Шартнома тарафларининг хукуқ ва мажбуриятлари

3. Шартнома тарафларининг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг хукуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган заарларнинг қопланишини талаб қилиш.

“Буюртмачи” қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳакли.

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳукуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар саклаш.

3.3. “Буюртмачи”нинг хукуқлари:

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳукуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

3.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)”га олинадиган маҳсулот учун аввалдан 30% миқдорида аванс тўлайди.

- олинган маҳсулотнинг қолган пулини бир ойлик муддат ичida тўлаб бериш кафолатини беради.
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган заарни қоплаш.

“Буюртмачи” шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичida маълум қилиши шарт.

### IV. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. “Буюртмачи”: Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)” шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишида рад этганлик учун сотиб олувчи “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олнмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)” жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олнмаган (ўз муддатида олнмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишида бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)”га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи”“Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. “Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)”:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаёттап товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”шартнома шартларининг “Буюртмачи” назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа қилинмаганлиги;

- тутилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки иктисадий шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”дан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”“Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”“Буюртмачи”га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда “Буюртмачи” жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги “Махсулот етказиб берувчи (ижрочи)”дан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## V. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича шартлари

5.1. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

5.2. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5.3 Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равищда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вაъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатлар амалга ошириши мумкунлиги хакида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ( ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг ) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.4. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вакт ва шакилда кўйдаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равищда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равищда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиной фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик хуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшишшага; д) коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дархол хабардор қилиши шарт.

5.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларпи реализация қилиш ва ўтказишида битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахсларнга( шу жумладан, ёрдамчи пурратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукуқшунослари, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйдаги харакатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий харакатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчиллик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асосиз равишида ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганилиги холатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийқ ўтказилмаслигини кафолайдилар.

5.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалар хақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

## VI. Низоларни хал қилиш тартиби

6.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик юзага келган барча келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

6.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди орқали хал қилинади.

## VII. Форс-мажор холатлари

5.1. Шартнома муддати давомида форс-мажор холатлари, яъни фавқулодда вазият холатлари, табиий оғатлар, жамоа тартибсизликлари ва хоказолар юз берган холатларда шартнома бўйича ўз мажбуриятларини соқит қилинади.

5.2. Юзага келган форс-мажор холатлари бўйича томонлар бир-бирларини зудлик билан хабардор қилишлари шарт.

## VIII. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8.2. Ушбу шартнома ҳар икки томон учун биттадан икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар икки нусха бир хил юридик кучга эга.

8.3. Шартномани тарафлар ўзаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик Кодекси» ва амалдаги қонун хужжатлари меъёрларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.4. Ушбу шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар факат иккала томондан ёзма равишида имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилик бўлимида рўйхатдан ўтган пайтдан кучга киради ҳамда 2022-йилнинг 31-декабригача амал қиласди.

9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган хисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)»

“Буюртмачи”

МЧЖ «GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI»

Манзил: Ҳўжайли тумани,

Дўстлик кўчаси, рақамсиз уй

Тел. 91 301 00 87

СТИР: 302 657 232

х/р: 20208000400239807003

МФО 01038

«Инфин банк» г. Нукус

Ҳўжайли тумани Ҳалқ таълим бўлими

Манзил: Ҳўжайли тумани, Жипек жолы  
кўкаси 72-уй

Тел (61) 554 - 25 - 24

Тел (61) 554-10-52

х/в 100022852367092100075111

ОХОНК 97600

МФО 00014 ИНН 201 122919, 200 395 864

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

Марказий банк Тошкент шаҳри, Ҳўжайли  
тумани Ғазначилик бўлими

Б.Хафизов

(подпись)

И.Исақбаев



:QAMWUJ

«GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI» 12.01.2023-yil 25-iyun kuni qurilishga tayinlangan shaxsiy qurilish.

R.Tajipshev



Qo'lli ra'yini Yuridikasida zinxirni:  
Kedressia o'sha esa turmushonizni:

2023-iyun 25-iyun

# YURIDIKALIQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDIÝ NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAĞI HUQÍQÍY JUWMAĞI

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniý 29.06.2021-jılğı PQ-5168-sanlı qararı menen tastiyıqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonlıq Xalıq bilimlendiriliw bólíminiý SN88710488-sanlı hújjet joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

## A N Í Q L A N D Í:

### I. Joybar túri: Shártnama

### II. Joybardıň ataması: 10-sanlı Ónim jetkerip beriw shártnaması.

III. Joybardıň mazmuni: Shártnama joybarında 84711-lot boyinsha Xojeli rayonı Xalıq bilimlendiriliw bólimi hám «GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI» JShJ ortasındaǵı jámi 577 906 000 (Bes júz jetpis jeti million toǵız júz altı miń) sumlıq ónim jetkerip beriw shártnamasın dúziw belgilengen.

### IV. Joybardı islep shıǵıwshi hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:

Shártnama Xojeli rayonı Xalıq bilimlendiriliw bólimi tárepinen islep shıǵılgan hám 2022-jıl 20-may kúni dástúrge kiritilgen.

### V. Joybardıň nízam hújjetlerine muwapiqlıǵı:

Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniý (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydarlar) 353-354 statyaları, (Ónim jetkerip beriw shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydarlar) 437-456 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıý 2021-jıl 22-aprel kúngı “Mámlekетlik satıp alıwlari haqqında”ǵı 684-sanlı Nízamı, Ózbekstan Respublikasınıý 1998-jıl 29-avgust kúngı “Xojalıq júritiwshi subyektlər iskerliginiň shártnamalıq-huqıqıy bazası haqqında”ǵı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniý 2021-jıl 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasiqlardı túpten jetilistiriw is-ilájlari haqqında”ǵı PF-6313-sanlı Pármanı hám de Ministrler Kabinetiniý 2022-jıl 20-may kúngı 276-sanlı qararı tastiyıqlamǵan “Mámlekет satıp alıwlarin ámelge asırıw menen baylanıslı tártıp qaǵıydarların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ǵı Reje talapları tiykarında islep shıǵılgan.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

## JUWMAQ:

Xojeli rayonı Xalıq bilimlendiriliw bólimi hám «GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI» JShJ ortasındaǵı 10-sanlı ónim jetkerip beriw shártnaması ámeldegi nízam hújjetlerine muwapiq islep shıǵılgan hám shártnamanı dúziw **maqsetke muwapiq**.

**Xojeli rayonı Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayı bas yuriskonsultı:**



R.Tajibayev

2022-jıl 23-may